



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељагаи  
бўюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2006 йил 27 май, № 101 (3900)

Шанба



Чинакам тадбиркор ўзини нафақат оиласи, балки эл-юрт фаровонлигига ҳам дахлдор сезади. Шунинг учун иш бошладан олдин унинг келажигини чамалайди, жамиятга келтиражак нафи ҳақида ўйлайди.

## Иш билганнинг эртаси ёруғ

Фурқат туманидаги "Рўздатжон ота" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Расулжон Мелибоев онла аъзолари иштирокида турли ширинликлар, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйганида, келажакда мўъжазгина тикувчилик корхонаси очилиши ҳам ният қилган эди. Яхши ният ярим давлат, деганлари тўғри экан. Бугун "Рўздатжон ота" да тикимлаётган ўн турдаги трикотаж маҳсулотларининг сифати, харидорбошлиги эл оғзига тушди. Корхона фаолиятининг кенгайтиши эса, 60 нафар қишлоқ ёшларини иш билан таъминлашига сабаб бўлди.

— Яқин кунлар ичида цехларимизни энг замонавий дастгоҳлар билан алмаштирамиз, — дейди корхона раҳбари. — Шундан сўнг маҳсулотларимиз нафақат арзон, балки сифат даражаси ҳам жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган, рақобатбардош бўлиши таъминланади. Ўз навбатида ишчи ўринларимиз ҳам 30 нафарга кенгайди.

**СУРАТЛАРДА:** ишлаб чиқариш бўлими устаси Озода Мамадалиева ва бичувчи Ойдин Мирзахўжаева иш устида; ишчи Гўзалхон Эргашева.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ  
олган суратлар.



26 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда "Оммавий болалар спортини ривожлантириш — навқирон авлоднинг жисмоний ва маънавий соғломлигини шакллантиришнинг муҳим шартини мавзусида илмий-амалий конференция ўтказди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Конференцияда сўнгги йилларда мамлакатимизда болалар оммавий спортини ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилганлиги қайд этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Болалар спортини ривожлантириш ҳамда айнақса, қишлоқ жойларда ўқувчи ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шугулланишига оммавий суратда жалб этиш мактаб таълимини ривожлантиришнинг 2004-2009 йилларга мўлжалланган Давлат умумий дастуридидаги муҳим масалалардан биридир. Хозир мактабларда 23601 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси меҳнат қилмоқда. Шулнинг 18326 нафари ёки 77,6 фоизи қишлоқ мактабларига тўғри келади. Ҳамма жисмоний тарбия ўқитувчиларининг 4575 нафари ёки 19,4 фоизини аёллар ташкил этади. 2005 йилда олий ўқув юртлирини таъминлаган 661 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси умумтаълим мактабларида ишлаш учун юборилди.

2005-2006 ўқув йилида мактабларнинг жисмоний тарбия ўқитувчилари билан таъминланиш даражаси 2004-2005 ўқув йилидаги нисбатан 4 фоиз ўсди ва 98,3 фоизни ташкил этди. Қишлоқ жойларда болалар спортини ривожлантиришнинг моддий базасини шакллантириш ҳамда аҳоли пунктларида жамғарма маблағлари ҳисобидан замонавий болалар спорт мажмуалари тармоғини барпо этиш, уларни спорт анжумлари билан таъминлаш мақсадида 2005 йилда 155 та спорт иншооти қуриб, фойдаланишга топширилди. Шулнинг 128 таси ёки 83 фоизи қишлоқларда жойлашган. Мактаб

ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинлари, «Баркамол авлод» спартакиадаси ва бошқалар аънаванай оммавий тадбирларга айланди. «Маҳалла», «Камолот», «Соғлом авлод учун» сингари жамоат ташкилотлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқалар болалар спортини ривожлантиришга ўз хиссасини қўшиб келмоқда.

Конференция қатнашчиларининг маъруза ва нутқларида қишлоқ жойларда болалар спортини ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш, мавжуд спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш, спорт мураббийлари, шу жумладан, аёл мураббийларни тайёрлаш, болаларга мўлжалланган сифатли спорт анжумларини ишлаб чиқариш, шунингдек, спортни оммавий умумхалқ характерига айлантириш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Муҳокама яқунлари бўйича конференция қатнашчилари болалар оммавий спортини ривожлантиришнинг қўний асосларини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, болаларда ишонч ва иродани мустаҳкамлаш, уларда Ватанга садоқат, мамлакатимиз ва халқимизга муҳаббат сингари фазилатларни тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишларнинг самардорлигини ошириш юзасидан тегишли тавсияларни ишлаб чиқилди.

Конференция ишида Сенат аъзолари, вазирлик ва идоралар, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Маҳалла» республика жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» жамғармаси вакиллари, педагоглар, олимлар, мутахассислар, спорт мураббийлари иштирок этдилар.

## Тафаккур мактаби

Маълумки, жорий йилда дунё илм-фан тамаддунида алоҳида нуфузга эга Хоразм Маълун академиясининг 1000 йиллиги кенг миқёсда нишонланади. Шу муносабат билан кеча Ўзбекистон тарихи давлат музейида "Хоразм Маълун академиясининг жаҳон фани ва маданияти тароққотидаги ўрни" мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Бундан ўн аср муқаддам ташкил топган академия Маҳмуд Фазнавийнинг Хоразмга юришлари боис таназзулга учраган эди. Унга бу ерда Абу Райхон Бериунӣ, Абу Али ибн Сино сингари етти иклимга донги кетган олим фузалар бир қанча соҳаларда илмий изланиш олиб боришган. Уларнинг кашфиётлари, илмий қарашлари эса ҳали-ҳануз жаҳон афқор-оммасини ҳайратлантириб келаяптир.

Анжумани Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, академик Саидхорр Фуломов кириш сўзи билан очди. Фанлар академияси президенти, академик Ш. Салиҳов Маълун академиясининг Ўртаб-шумиш Фармони билан қайта ташкил этилганлиги фан оламида катта бурилиш ҳисобланади.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз раҳбарининг 1997 йил, 11 ноябрдаги Фармонида биноан Хива шаҳрида Хоразм Маълун академияси Фанлар академиясининг минтақавий



1000

топшириқ берувчи, текширувчи эмас, унга қўмақлашувчи ҳамкорга айланмоқда.

Президентимиз Бухоро вилоятига сафари чоғида таъкидлаганидек, қачонки деҳқон ўз меҳнатидан манфаатдор бўлсагина, ерга эгалик ҳисси ўйғонади. Бунга эришиш учун эса фақат деҳқон эмас, шериклар ҳам ўз зиммаларидаги шартнома шартларини тўлиқ бажаришлари керак. Бугунги кунда фермер банкдан пулни ҳам, нефть ташкилотидан ёнилгини ҳам, минерал ўғит тарқатиш шохобчасидан экинга озукани ҳам вақтида олаётгани кишини қувонтиради.

Мамлакатимизда биринчилардан бўлиб қишлоқ хўжалиги юз фоиз фермерлаштирилган Жиззах вилояти мисолида фермерликнинг истиқболлини яққол кўриш мумкин. Айни дамда ҳар бир фермер мана шу истиқболга дахлдорлик ҳисси билан меҳнат қилмоқда.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ,  
Ўза мухбири.

## ЭЛ-ЮРТ МАЪМУРЧИЛИГИ ЙЎЛИДА

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Бухоро вилояти фермерлари билан суҳбатда билдирган фикрлари жиззахлик ер эгаларининг ҳам қалбида акс-садо берди.

— Президентимизнинг маъмурчилик сафарини оммавий ахборот воситалари орқали кузатар эканман, биз — фермерлар билан боғлиқ масалалар албатта ўртага ташланади, деб ўйлагандим. Ҳақиқатан ҳам, шундай бўлди, — дейди Пахтакор туманидаги «Анвар-А» фермер хўжалигининг раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Анорбой Эшматов. — Юртбошимиз ҳар бир маърузасида, ҳар бир чиқишида бўлганидек, ҳар гал ҳам фермерлик ҳаракатининг истиқболли, муаммолари ҳақида сўз юритди, фермерлар

билан учрашувда кўнглимиздаги гапларни айтди. Фермерликни бошлаганимга ўн йил тўляпти. Шу йиллар давомида пахта ва галла ҳосилдорлиги ҳам, давлатга сатоётган маҳсулотимиз салмоғи ҳам, пировадор натижада оила-мизнинг, хўжалигимиз аъзоларининг даромади ҳам йилма-йил ортаётди. Утган йили пахта ва галладан режани ошиғи билан бажариб, қирқ миллион сўмдан зиёд фойда кўрдик. Дастурхонимиз тўқин, рўзгоримиз фаровон. Буларнинг ҳаммаси-я фермерчилик тўғрисида эришилган натижаси.

дек, банк, қишлоқкимё, биологларнинг, нефть маҳсулотлари шохобчаларининг фермерларга хизмат кўрсатиши тўғри йўлга қўйилгани деҳқоннинг оғирини енгил қилаптир. Яқинда вилоятимизда айнан шу масалада яна бир ибратли иш амалга оширилди. Эндиликда нефть маҳсулотлари корхонасининг худудлардаги ёнилги тарқатиш шохобчалари мудирилари фермерлар иштирокида сайланмоқда.

— Собиқ шуро даврида режа ортидан қувши ҳисобига ер унумдорлиги кескин пасайиб кетган эди, — дейди шу тумандаги яна бир тажрибали деҳқон, «Сартўзи» фермер хўжалиги раҳбари Иброҳим ота Имомов. — Эслайман, ўша пайтлари ҳамма пахтанинг ташвиши билан тирикдек туолса-да, на давлат бююртмаси бажариларди, на деҳқоннинг қосаси оқарарди.

Мустақиллик тўғрисида эр ўз эгасини топган, ахвол тубдан ўзгарди.

Бу фикрни жиззахлик аксарият фермерлар қўллаб-қувватлайди. Чунки ерга эгалик қилиш, мустақил хўжалик юритиш афзаллигини ҳар бир деҳқон ўз фаолияти мисолида кўрмоқда.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ,  
Ўза мухбири.

## КИТОБГА ЭҲТИРОМ

Китоб яқин маслаҳатчи, яхши дўст, суҳбатдош эканлиги «Улугимсан, Ватаним» шiori остида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Фарғонада ўтказган республика китоб байрамида бот-бот тақдорланди. Фарғона чиндан-да китобга эҳтиромни билади, уни севадиган, суйдиган, эъозлайдиганлар юрти эканлигини Аҳмад ал-Фарғоний боғи оромгоҳига тўплаган қозлаб, минглаб, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган китобхонлар яна бир қарра исботладилар.

— Эл эъозидидаги адиблар, шоирлар билан учрашиш орзуим эди, — дейди Фарғона шаҳридаги 3-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Феруза Отақова. — Бунава — гун мендан бахтиёр киз йўқ. Байрам боис улар билан юзма-юз мулоқотда бўлдим. Шерларини қайта-қайта ёд олганим Анвар Обиджондан дастлабки китобларда ҳам ҳукмрон эди. Байрам қатнашчилари меҳмонлар билан бирга китоб бозори пештахта-ноширлар, адабиётна-висларнинг мушоираси раидан, озод юрт, буюк ватан, кўнгли чароғон, дили обод кишилар

ҳақидаги шеърларидан, бадиларидан сезиш мумкин эди. Шу руҳ, шу покдонлик байрамига «Чўлпон», Фафур Фулом номли, «Янги аср авлоди», «Маънавият», «Ўқитувчи», «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйлари томонидан тақдим этилган, ҳали сийҳи қуриманган, илк ўқувчиси фарғоналиклар бўлган китобларда ҳам ҳукмрон эди. Байрам қатнашчилари меҳмонлар билан бирга китоб бозори пештахта-ноширлар, адабиётна-висларнинг мушоираси раидан, озод юрт, буюк ватан, кўнгли чароғон, дили обод кишилар

### ИСТИҚЛОЛ МУШОИРАСИ

рам боис улар билан юзма-юз мулоқотда бўлдим. Шерларини қайта-қайта ёд олганим Анвар Обиджондан дастлабки китобларда ҳам ҳукмрон эди. Байрам қатнашчилари меҳмонлар билан бирга китоб бозори пештахта-ноширлар, адабиётна-висларнинг мушоираси раидан, озод юрт, буюк ватан, кўнгли чароғон, дили обод кишилар

ҳақидаги шеърларидан, бадиларидан сезиш мумкин эди. Шу руҳ, шу покдонлик байрамига «Чўлпон», Фафур Фулом номли, «Янги аср авлоди», «Маънавият», «Ўқитувчи», «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйлари томонидан тақдим этилган, ҳали сийҳи қуриманган, илк ўқувчиси фарғоналиклар бўлган китобларда ҳам ҳукмрон эди. Байрам қатнашчилари меҳмонлар билан бирга китоб бозори пештахта-ноширлар, адабиётна-висларнинг мушоираси раидан, озод юрт, буюк ватан, кўнгли чароғон, дили обод кишилар

дил сўзлари халқимизнинг «Китобга меҳр болалиқдан тарбияланади» деган ибратли сўзлари нақадар тўғри эканлигини яна бир қарра исботлади. Мухташам боғнинг мўъжазгина гўшасида бошланган мушоира, адабий мулоқотлар, дилкаш суҳбатлар Фарғона Давлат университетидан, вилоят кутубхонаси мухлисари даврасида, Марғилон шаҳридаги 1-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳузурини давом этди. Ноширлар томонидан вилоятдаги кутубхоналар, мактаблар, болалар уйларида 5 миллион сўмлик китоблар армуғон этилди.

Нобжон СОБИР,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

### КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Йиғилишда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг комиссия томонидан аввал қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан ахбороти тингланди.

Жумладан, телерадиозастиртириш соҳасида радиочастота спектрини самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳукумат қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан радиочастоталарни танлов асосида тақсимлаш ва телерадиозастиртириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун яқка тартибда лицензиялар бериш масалалари кўриб чиқилди. Шу билан бирга, телерадиозастиртириш тарқатиш билан шугулланарди қатор хўжалик юритувчи субъектларнинг қўшимча канал очиб ва қамров ҳудудини кенгайтириш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг рўйхатга олиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги аризалари кўриб чиқилди.

(Ўза).

### Анжуман

Пойтахтимизда «Ўзбекистон ёшлари» мақсад вазифи ва масъулият мавзусида ёшлар форуми бўлиб ўтди. Икки кун давом этган ушбу анжуман ёшлар ва нодавлат ношжорат ташкилотларнинг мамлакатимизда фуқаролик жамияти қуриш ҳамда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлардаги фаоллигини оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

### ЁШЛАР ФОРУМИ

Ўзбекистон Нодавлат ношжорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Либерал демократик партиясининг ёшлар қаноти ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ушбу форум ташкилотчилари бўлиши.

Айтиш лозимки, ушбу форумини тайёрлаш жараёнида шу йилнинг январь-март ойларида жойларда бир қанча давра суҳбатлари ўтказилди. Маъмур анжуманларда асосий эътибор ёшлар ва фуқаролик жамияти институти ўртасидаги ўзаро муносабатларга қаратилди. Ушбу давра суҳбатларида 1200 нафардан зиёд ёш авлод вакили, нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар ёшлар қанотлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят кенгашилари ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоят бўлиmlари фаоллик кўрсатишди.

Форум доирасида умумий йиғилишлардан ташқари, «Ёшлар ва жамоат ташкилотлари» мавзусидаги бўлимлар ҳамда «Ёшлар нигоҳи: воқелик ва келажак», «Ўзбекистондаги ёшлар ҳаракати, менинча, қандай бўлиши керак?» каби мавзулардаги гуруҳ ишларининг ташкил этилиши тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Олий Мажлис палаталари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, олимлар, мутахассислар, юристлар, иқтисодчиларнинг чиқашларини анжуман қатнашчилари мароқ билан тингашди.

Салим ДОНИЕРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.



Бу эҳтиромли, кўнглиларга ажиб бир гурур, ёруелик олиб кирган байрам мамлакатимизнинг кутлуг тўйи, мустақиллигимизнинг 15 йиллиги тантаналарни кизгин бошланиб кетганлигидан далolat беради. Чунки бу айём руҳини Тошкентдан айнан китоб байрамига ташириб буюрган Ўзбекистон халқ шоирлари Анвар Обиджон, Иқбол Мирзо, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, танқил ижодкорлар Охунжон Ҳаким, Баҳодир Исо, Энахон Сиддиқова, Умида Абдуазимова, Ёқутхон Раҳимова, ўнлаб ноширлар, адабиётна-висларнинг мушоираси раидан, озод юрт, буюк ватан, кўнгли чароғон, дили обод кишилар

ГАЗЕТИХОН

сўз сўрайди

Эътироф

Эл ардоғидаги шифокор

Яқинда туманимиздаги марказий шифохонада даволандим. Ва кеч тушиб, иш вақти тугаса ҳам шу ерда ўтириб, изланадиган, қанча-қанча беморларнинг дардига малҳам бўлгучи бир дўхтирнинг меҳнатларини эътироф этгим келди.

Шифохона раҳбари, жарроҳ Зоир Кенгбоев ҳамisha одамлар ҳақида ўйлайди. Шу боисдан бўлса керак, беморлар ҳам доимо "Зоиржоннинг умри узоқ бўлсин, бола-чақасининг роҳатини кўрсин, қўллари дард кўрмасин", дея дуо қилишади.

Марказий шифохонанинг замонавий таъмирланишида у кишининг ҳам ҳиссаси катта. Бу инсоннинг доимо эл ардоғида юришига тилакдошман. Одамлар саломатлигини асраш, беморлар дардига эм бўлишдек шарафли касбда муваффақият ёр бўлсин, дейман.

Алланазар САФАРОВ, Нуробод тумани.

Яқини гап

Кўнгул меҳрдан сув ичади

Хизмат юзасидан Сурхондарёдан Тошкентга тез-тез келиб тураман. Сафар чоғида Тошкент-Термиз йўналишидаги 379-380 поездига чиқишимга тўғри келади.

Хар гал вағон назоратчилари, ходимларининг меҳрибон ва самимий, ҳушмуомалалигидан мамнун бўлиб манзилимга етиб олам.

Шу сафарларнинг бирида кўлтиқтаёқдаги йигит билан икки қариндоши бизга ҳамроҳ бўлди. Бемор йўловчи бригадари С.Муҳиддинов ва навбатчи ходимларнинг гамхўрлигини кўриб, орамизда савоб ва аймонни дилига го қилган одамлар кўплигига ишондим.

Бундан ташқари, Содирбой ака йўловчилар тинчлигини назорат қилиб, уларга хурмат билан муносабатда эканидан барча мамнун. Уз касбининг ҳақиқий жонқуярлари, камтарин ва самимий инсонлар кўпаяверсин, деймиз.

Бобохон ҲАКИМОВ, меҳнат фахрийси. Шўрчи тумани.

Аризадан кейинги ариза

Мен нима дейману...

Шу йилнинг март ойида "Сергели-Коммуналчи" уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбарининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисида тахририятга мактуб йўлагандим.

Хатимга жавоб келавермагач, натижани тахририятдан суриштирдим: Мутасадди идоралар тахририятга жавоб йўллашди. Бироқ ҳайрон қолдирадиган жиҳати шуки, шикоят хатида мен ширкатда тўрт йил давомида ишлаб, аҳолининг бир неча миллионлаб пулини талон-тороҳ қилган ширкат раҳбари ҳақида ёзган бўлсам, Тошкент шаҳар прокуратурасидан келган жавобда эса бутунлай бошқа одам, яъни ширкатда иш бошлаганига эндигина олти ой бўлган шахс ҳусусида гап кетаяпти. Менга сал кейинроқ келган жавоб хатини тахририят жавоби билан солиштирганимда улар икки хил эканига амин бўлдим.

Тахририятга юборилган жавобда бош ҳисобчининг ширкат раҳбари билан тил бириктириб, турли материалларни ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборгани, ширкатдаги устанинг гумондор сифатида терговга жалб қилингани айтилган. Мендаги жавобда эса бундай қайтлар умуман йўқ. Биз ҳуқуқ-тартибот органларидан нажот кутсақ-у, улар эса пуллари талон-тороҳ этилган аҳолини эмас, ноқонуний иш олиб бораётган раҳбарларни ҳимоя қилишмоқда. Буни қандай тушуниш мумкин?

Ғайрат ЭМИНЖОНОВ, Тошкент шаҳри.

Умид

Шаҳримиз гуллаб-яшнаса...

Шаҳримизда бунёдкорлик ишлари олиб борилиб, йўллар асфальтланиб, Шаҳрихон боғи обод қилинаётган эди. Нима бўлди-ю, бу ишлар охирига етмай қолди. Аҳолига ичимлик суви етказиб бериши аяқлаш учун ер ости қузувлари ўтказиш ишлари ҳам ўлда-жўлда қилиб кетди.

Шунингдек, янги бозор қурилиши ҳам сусайди. Йўл четига ўрнатилган темир панжараларни кимлардир кўчириб олиб кетиши натижасида гулзорлар ахлатхонага айланмоқда. Бир неча йиллик катта-катта даратхлар ҳам кесиб кетилляпти. Илоҳи бўлса, шаҳримиздаги бу каби муаммоларга мутасаддилар беварқ қарашмаса, бунёдкорлик ишлари тўхтаб қолмаса, деймиз.

Манзураҳон АҲМАДЖОНОВА ва бошқалар, Шаҳрихон шаҳри.

Мулоҳаза

Ҳаракатда баракат

Яқинда Авлоний бобомизнинг "Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ" рисоласини ўқиб чиқдим ва унда биз ёшлар учун кераклик панд-насиҳатлар зикр этилганига амин бўлдим. Шундан сўнг тенгқурларимни кузата бошладим.

Очигини айтиш керак, назаримда, улар орасида одоб-ахлоқ, катталарга хурмат тушунишлари биров қамайгандек. Кўпчилик тенгдошларимнинг ўқув даргоҳига билим олиш ниятида эмас, балки кийимини ёки машинасини кўз-кўз қилиш учун келаятганидан хафа бўлиб кетаман. Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, олчак ва маънавиятсиз бўлиб қолмаслик учун китобга меҳр қўйишимиз, машғулотларни шунанчи эмас, юракдан ўзлаштиришимиз керак, менимча. Чунки биз ҳеч қандам кам эмасмиз. Билим, тафаккур, дунёқарашни қаршаш, унга давлатлар ёшлари билан бу борада бемалол беллаша олошимиз, чет элнинг нуфузли илм даргоҳида тахсил олишимиз учун озгина ҳаракат қилсақ, бас. Биз Амр Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур каби доно, куч-қудратли алломаларнинг авлоди эканмиз, олдимишга ҳар қанча буюқ мақсадлар қўйсақ арзийди.

Қамолддин ЖУМАЕВ, талаба.

Иттифоқчилик шартномаси — амалда

Россия — географик жойлашуви, сийсый ва иқтисодий салоҳияти жиҳатидан нафақат Осиё қитъасида, балки Европада ҳам муҳим стратегик аҳамиятга эга давлатлардан бири. Халқроқ кузатувчилар сўнгги пайтларда мазкур мамлакатнинг қатор соҳаларда, айниқса, ёқилга-энергетика йўналишидаги имкониятлари йилдан-йилга ўсиб, жаҳон нефть ва газ бозорига унинг ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганини кўп бора эътироф этишмоқда. Давлатимиз раҳбари яқинда Сочи шаҳрига қилган амалий ташрифи чоғида энергетика соҳасидаги ҳамкорлик бутун дунёда ҳар томонлама долзарб аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлаган эди. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Ўзбекистоннинг Россия билан,

жасида Орол денгизининг мамлакатимизга тегишли ҳудудларида катта нефть ва газ захиралари борлиги аниқланган. "Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компанияси мутахассислари башоратича, углеводород хомашеси 2020 йилга қадар тоннагача кўпайиб боради. Ҳозирда мамлакатимизда йилга 5 миллиард куб метргача газ қазиб олинмоқда ҳамда Қозғистон,

юртимизда ушбу тармоқни ривожлантириш учун инвестициялар қиритилмоқда. Хусусан, дунё нефть бозорига етакчи мавқега эга "Лукойл" компанияси сўнгги йилларда мамлакатимиз ёқилга-энергетика бозорига самарали фаолият олиб бормоқда. 2006-2010 йилларда мазкур компания Ўзбекистонга жами 6 миллиард АҚШ долларлик инвестиция қиритишни режалаштирган.

лайзиянинг "Петронас Чаригали Оверсиз Сдн. Ехд", Корея миллий нефть корпорацияси ва Хитойнинг "СинЭнПиСи" компаниялари билан бир қаторда "Лукойл Оверсиз Холдинг Лтд" ҳам ўрин олган. Мазкур битим юзасидан самарали фаолият бошланган эди. Кейинги босқич бўйича битимни эса 2006 йилда имзолаш кўзда тутилган. Бунда Орол денгизининг Ўзбекистон ҳуду-

Энергетика:

ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Бир ҳақиқатни унутмаслик керак: XXI асрга келиб минтақда, жумладан, Марказий Осиёдаги интеграциялашув жараёнида нефть ва газ саноатидаги ҳамкорлик муҳим роль ўйнамоқда.

Келинг, шу ўринда юртимизнинг мазкур йўналишдаги имкониятлари ва ресурслари тўғрисида икки оғиз сўз юритайлик. Республикаимиз табиий ёнилғи ресурсларига бой ўлка ҳисобланади. Ўзбекистон биргина газ қазиб олиш ва етказиб бериш бўйича дунёдаги ўнта давлатдан бири саналади. Мана шу

далининг ўзиеқ соҳадаги мавжуд имкониятларимиз қай даражада ақаллигини аққол курсатилади. Аниқ рақамларга ўтадиган бўлсак, мамлакатимизда мустақил йилларда газ қазиб олиш қарий 40 фоизга ошди. Айни пайтда, ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистонда газ захиралари яқин ўттиз илгга етди, яъни 5,9 триллион куб метр газ мавжуд.

Ҳозирда мазкур соҳани янада ривожлантиришнинг аниқ истиқболли имкониятлари белгиланган. Геологлар томонидан олиб борилган қидирув ишлари нати-

Тожикистон, Қирғизистон ва Россияга экспорт қилинмоқда. 2003-2005 йилларда Россияга 8 миллиард кубметр ўзбек газини етказиб берилган. Жорий йилда эса бу курсаткини 9 миллиард куб метрга етказиш режалаштирилган. Бу рақамларнинг йилдан-йилга ўсиб бориши соҳада амалга оширилаётган ислохотлар юртимиз иқтисодиёти ўсишида катта самара бериётганини аниқлатади.

Юртимизда — Россия муносабатларида ёқилга-энергетика соҳасидаги ҳамкорлик янги мамлакатимизнинг манфаатларига бирдек мос тарзда ривожланиб бораётгани аққол кўзга ташланмоқда. Россиянинг йирик компаниялари томонидан

Шундан 2,4 миллиард доллари тўғридан-тўғри нефть-газ соҳасини янада ривожлантиришга йўналтирилади.

Корпорация президенти Вагит Алекперовнинг яқинда журналистларга берган интервьюсида таъкидланганича, компания айни дамда Ўзбекистонлик ҳамкорлари билан янги-янги лойиҳалар устида иш олиб бораётапти.

Орол денгизининг Ўзбекистондаги қисмида геолог-қидирув ишларини олиб бориш лойиҳаси бўйича инвесторлар консорциумини тасвир этиш ҳақида битим имзоланган. Консорциум таркибидан "Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компанияси, Ма-

дидаги қисмида нефть, газ конларини қидириш ва топиш учун аниқ вазифаларни тақсимлаш режалаштирилган. Таъкидлаб ўтиш жоизки, бу каби ишларни амалга оширишда Президентимизнинг 2000 йил 28 апрелдаги "Нефть ва газ конларини разведка қилиш ҳамда уларни қазиб чиқаришга бевосита хорижий сармояларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, ушбу ҳуқуқий ҳужжат қидириш ва разведка қилиш ишлари самарадорлигини ошириш, углеводород хомашесини қидириб топиладиган захира ҳажмларини кўпайтириш ва республика иқтисодиёти-

нинг нефть-газ тармоғига бевосита хорижий сармояларни жалб этиш учун қўлай шарт-шароитларни яратмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг "Махсулот тақсимоти"га оид битимлар тўғрисида"ги Қонуни ҳам инвесторларнинг самарали фаолият курсатиши учун бир қатор имкониятлар бермоқда.

Маълумотларга кўра, сўнгги йилларда "Устюрт" минтақасида "Бердах", Шарқий Бердах, "Сурғил", "Шимолий Орол", "Шоғирлик", "Шимолий Бердах", "Учсой" ва "Шаге" конденсат конлари очилди. Ҳозирда ана шу конлардан иккитаси — "Шарқий Бердах" ҳамда "Учсой"да амалий ишлар олиб боришмоқда.

Пойтахтимизда Махсулотни тақсимлашга оид битимга биноан, "Кандим" газ конларини ўзлаштириш учун "Лукойл Ўзбекистон Оперейтинг Компани" операция компанияси ташкил этилди. Янги тузилма мамлакатимиз жануби-ғарбидаги "Кандим" газ конларини ўзлаштириш бўйича қиймати бир миллиард АҚШ долларлик лойиҳани амалга оширади.

Мамлакатимизда газ саноатини замонавийлаштириш жараёни жадал давом эттирилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ўлкаимизнинг географик жиҳатдан жойлашуви ва мавжуд иқтисодий имкониятлари яқин келажакда мамлакатимизнинг минтақадарги саноат ҳамда энергетика марказига айланиши ҳақиқатлигини кўрсатаяпти.

Юнус БҮРОНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Таълим ва ислохот




Баҳмал иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи 600 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, 100 ўринли ётоқхонаси, 60 ўринли ошхонаси, ёпиқ спорт ва мажлислар зали, 28 та ўқув, 3 та лаборатория хоналари мавжуд.

Коллеж 2004 йили иш фаолиятини бошлаган. Ҳозирги кунда 476 нафар йигит-қиз молия, банк иши, бухгалтерия-аудит, ЭҲМ оператори, менежмент, автотеххизмат кўрсатиш, солиқ ва ҳуқуқ, тикувчилик сингари ўндан зиёд мутахассисликлар бўйича таълим олишмоқда.

Ҳавас уйғотувчи коллеж

Кишлоқ ёшларининг ҳар томонлама камол топишлари учун етарлича шарт-шароит яратилган. Ўқувчиларнинг билимларини чўқурлаштириш ва бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида олтинта спорт, тўртта фан тўғрақлари ишлаб турибди.

— Биз мураббийларнинг таърибига алмашиши ва талабаларнинг ўзаро дўстлик ришталарини боғлаш учун бошқа коллежлар ва корхоналар билан ҳамкорлик шартномалари тuzганимиз, — дейди коллеж директори Сайфиддин Махмудов. — Ўтган йили 20 нафар ўқитувчи, 28 нафар талаба Самарқанд иқтисодиёт кол-



Ҳавас уйғотувчи коллеж

лежида, яқинда эса 36 нафар талаба, 6 нафар махсус фан ўқитувчилари вилоят "Пахта банк"да амалий билимларини мустаҳкамлаб келишди.

Минг марта эшитднгдан бир марта кўрган афзал, деганларидек, йўлингиз тушса сиз ҳам бу коллежни бир бориб кўринг. Қор-

ли тоғлар бағрида жойлашган бу маскани кўриб дилингиздан "Мен ҳам ўғлимни, қизимни шу ерда ўқитсам" деган истак ўтса, ажабмас.

Нурмадот АЛМУРДОВ, коллеж ҳаётидан лавҳалар. Мўлалиф олган суратлар.

Форишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлашга бағишланган вилоят амалий семинари бўлиб ўтди.

Семинарда «Кимошди» савдоси

Ушбу тадбир чорва моллари аукцион савдоси билан бошланди. Барча туманлардан ташриф буюрган чорвадорлар, фермер ва ишбилармонларга «Кизилқум» ва «Туркистон» масъулияти чекланган жамиятлари, «Хушвақт бобо» фермер хўжалигидан савдога қўйилган қорамолларнинг «Кимошди» савдосида қатнашиш имконияти яратилди. Илк бор ўтказилган даллолларсиз савдодан чорва эгалари ҳам, харидорлар ҳам қониқиб ҳосил қилганликларини айтишди.

Шундан сўнг семинар иштирокчилари мазкур қарорнинг ижросига бевосита алоқадор бўлган вилоятдаги «Деҳқон бозори»нинг барча гушт дўконлари, ветеринария лабораторияси, «Жиззахдон» ОАЖнинг омухта ём дўконлари, чорва молларини даволаш, сунъий қочириб каби шохобчалар, тармоқлар фаолияти билан танишдилар.

«Фориш» ҚФЙда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури асосида олиб борилаётган ишлар ҳам семинар иштирокчиларининг эътиборини тортиди. Хусусан, кам таъминланган, кўп болали оилаларга сирғиллар тарқатиш, қорамоллар парвариши билан шуғулланаётган фуқароларга меҳнат дафтарчалари очила бошлагани барчага манзур бўлди.

Амалий семинар ишида вилоят ҳокими У. Яманқулов иштирок этди.

Баҳридан САТТОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.



Газетамизнинг 2004 йил 12 ноябрь сонидида «Қарз ва арз» сарлавҳали танқидий мақола чоп этилганди. Унда таъкидланганидек, Света Когай исмли аёл Тошкент шаҳри ва вилоятда яшовчи фуқароларни алдаб, фирибгарлик йўли билан уларнинг уйини ўзиники қилиб олаверади. Яъни, Когай ҳар хил газета-ларга мунтазам равишда эълон бериб, кўмас мулкни гаровга қўйиш эвазига қарз беришни маълум қилаверади. «Ҳожатбарор» аёлнинг кўмағига эҳтиёжмандлар ўндан ёрдам сўраша ошмакданди. Шунда Когай қарзни эълондаги каби уй-жойни гаровга қўйиб эмас, олди-сотди шартномаси эвазигагина беришини айтиб, тижирлик қилади.

ҒОЙИБ БЎЛГАН ФИРИБГАР

Светанин кўмағига кўз тиканлар бу ҳолнинг оқибатини ўйлаб ҳам ўтиришмайди. Ҳожати чиқганига хурсанд бўлиб, ўн фоиз устамга бериш шарт билан «тадбиркор»нинг тақлифига рози бўлишаверади. Оқибатда ўнлаб одамлар ўйсиз, бошпанасиз қолади.

Ана шундай ҳув тушганлардан бири Бахтиёр Юсуповдир. Узини тегиризон олиб, тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлган Юсупов илмиж билан Когайнинг олдига боради. Шунда «Ҳожатбарор» аёл унга ҳар ойига ўн фоиздан устамга тўлаб туриш шарт билан 2 минг АҚШ доллари миқдориде қарз берадиган бўлади. Эвазига Юсуповнинг кўзи оғзи, биринчи гуруҳ ногирони бўлиши онасига тегишли — Шайхонтоҳур тумани, «Гул-обод» мавзеси, 38-уй, 15-хонадонни «олди-сотди» шартномаси асосида нотариал идораси орқали хатлаб олади. Қарзни қайтарган кун шартнома ўз кучини йўқотишини айтиб, лақиллашди. Иттифоқо, Когай қарзни қайтариш мурдани яқинлаштириши ҳам кўтмай, Юсуповдан «сотиб олинган» хонадондан уларни чиқаришларини сўраб, Шайхонтоҳур туманлараро судга даъво аризаси қиритди. Пировадиди ўз ниятига эришди.

«Ҳожатбарор» Когайдан қарз олиб, охири-охири бошпанасиз қолганлардан яна бири биринчи гуруҳ ногирони Александр Синько бўлади. Иккала қўлининг ҳам қафти йўқ бу қария ясама панжа қидириш мақсадида Когайдан қарз сўраб боради. Ва, нихоят 2001 йил 18 июнда уч ой

муддатга ўн фоиз устамаси билан минг АҚШ доллари олади. Иши ўнгидан қолганидан хурсанд бўлган чоп қарзини қайтаргунгача, деган гапга кишиб Спитамен кўчаси, 9-уйдаги хонадонни «олди-сотди» шартномаси билан Когайга топширади. Белгиланган муддат келгач, Синько Когайга минг долларни қайтарди. Бироқ қарз берувчи ўндан яна минг АҚШ доллари талаб қилади. Синько имконияти йўқлигини айтган, уни судга бериб ўйидан чиқаришга эришади.

Қарз олиб, ўйсиз қолганлар рўйхатида Виктор Колесников ҳам бор эди. Хуллас, Тошкент шаҳри ва вилоятдаги ўндан ортқ фуқаролик ишлари бўйича судларда қўрилган аризаларда даъвогар Когай-ю, жавобгарлар бошқа-бошқа одамлар бўлаверган. Энг ачинарлиси, барча даъвода Когайга тегишли ўндан «бегоналарни» қичириш масаласи қўйилган. Қайсидир судда Когайнинг даъвоси қаноатлантирилган бўлса, базиларида жабрдий-даларга ён босилгандай қурилади. Аслида-чи? Утган вақт мобайнида бироз ўзгартирилган бўлгани бост. Хусусан, фуқаролик ишлари

Мавзуга қайтиб

лари бир фуқаронинг ҳуқуқларини тиклаш, адолат тантанасини таъминлаш борасида ҳаракат қилаётган пайтда яна бир муаммо туғилиб қолади. Сабаби — Когай низоли уйини аллақачон бировага сотиб юборган экан! Худди шу савдо Синьконинг ҳам бошига ту-

дирмаганликларини таъкидлаш жоиз. Ҳисоблаб кўрilsа, бу товламачи аёл ўн саккиз нафар фуқаронини зор қалшатиб, уйига эгалик қилиб олган экан. Аввал хабар қилингандек, С. Когай кўмас мулк гарови эвазига кредит бериш билан шуғулланиб, кредит сўраб келган фуқароларнинг уй-жойларини шахсан бориб кўриб, уларни алдаган. Гаров шартномаси эмас, балки олди-сотди шартномасини туздириб, уларни ўз эгалигига ўтказиб олаверган. Бош прокуратуранинг прокуратура органларига терговчи назорат қилиш бошқармаси ушбу ҳолатларни ўрганиб чиқди ва С. Когайга нисбатан ЖЖнинг 168-моддаси, 2-қисми, «а» банди билан жиноят иш қўзғатади. Бироқ Когай терговдан яшириниб, қочиб кетади.


Ўзбекистон Республикаси ФККнинг 92-моддаси 4-қисмида фуқаровий, жиноий ёки маъмурий суд ишларини қиртиш тартибиде қурилаётган бошқа иш хал қилинмасдан олдин қўришининг имкони бўлмаса, суд иш қиртишини тўхтайтиб туриши шарт, деб қўрсатилаган. Мазкур қонун талабига мувофиқ, Тошкент шаҳар судининг қассияга инстатсия суди фуқаролик ишларини бири-бирига боғлиқ, деб ҳисоблаб ва С. Когайга нисбатан қўзғатилган жиноят иши қириб чиқилганига қадар ушбу ишни қиртишдан тўхтайтиди.

Суднинг қонуний тўхтимига эътироз йўқ. Бироқ Синько ва Баҳри ая яна ўйсиз қолди. Лекин фирибгарликда айбонлаётган, ҳозир қидирувда бўлган Когай қачон тергов идораларига келтирилади? Балки у Ўзбекистонга мулк қайтмаса-чи? Унда нима бўлади? Қочқонни қутлига қарилар — Баҳри ая ва Синьконинг саломатлиқларини, сабрларини етармикан?

Қурбон ЭШМАТОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Сўнги йилларда мамлакатимизда малакали кадрлар тайёрлаш масаласига эътибор кучайтирилди. Буни Тошкент шаҳар болалар клиник шифохонасида жойлашган Тошкент врачлар малакасини ошириш институти мисолида ҳам кўриш мумкин.



Ўз касбининг фидойилари

Хусусан, мазкур муассасанинг болалар асаб касалликлари кафедрасида ўз касбининг усталарини тайёрлаш борасида эътирофга сазовор ишлар қилинмоқда. Қирқ йиллик тарихга эга бўлган ушбу кафедрада бугунги кунда шифохоналарда ишлаш ҳуқуқига эга бўлган асаб касалликлари бўйича ординаторлар тайёрланади. Ушбу масканда республикамизнинг турли бурчакларидан келган унлаб мутахассислар ўз билими ҳамда малакасини ошириб, айна пайтда жойларда меҳнат қилишаётир.

дейти болалар асаб касалликлари кафедраси муdiri, профессор Шоанвар Шомансуров. — Шу тўғрисида сўнги йилларда билимдон кадрлар тайёрлаш ва шифокорлар малакасини ошириш мақсадида шаҳар клиник шифохоналарида ўқитиш жараёни самарали кечаяпти. Кафедранинг ординаторлар, болалар неврологлари билим олишади. Улар икки йил давомида назарий билим олишдан ташқари, уни амалиётда қўллашни ҳам ўрганишади. Жумладан, назарий билимларни янада мустаҳкамлаш учун мультимедиа ускуналари жорий қилинган. Айтиш лозимки, ушбу кафедрада бўлажак шифокорларнинг ўз касбини ҳар то-

монлама чуқур эгаллашга ҳаракат қилаётгани кишини қувонтирмай қолмайди. Шу ерда таълим олаётган магистрантлар — Дилафруз Аскарва, Динноза Комилова, Анвар Атабаев, Наташа Кузьмина ва бошқалар ўз билими ҳамда касб маҳоратини ошириш учун астойдил интилишаётганига гувоҳ бўлдик. Уларга бу борада катта зафарлар тилаймиз!

Салим ДОНИЕРОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТДА: болалар асаб касалликлари кафедраси муdiri, профессор Шоанвар Шомансуров ва магистрант Дилафруз Аскарва. Темур ҚУРБОНБОВ олган сурат.

Қўшхабар

«Миллий ғоя — бизнинг ғоя»

Андижон Давлат университетидида ушбу мавзуда ўтказилган анжуманда мамлакат вилоятларидаги олий ҳамда ўрта махсус таълим ўқув юртилари жамоаларининг вакиллари иштирок этди. Сўзга чиққан таниқли олимлар ўз маърузаларида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанини ўқитиш муаммолари, талаба ёшлари ниймат тарбиялашнинг долзарб масалалари ҳусусида тўхталдилар. Анжуманининг иккинчи қисми илмий шўбада фаолиятига бағишланди. Унда миллий истиқлол ғоясини ёшлар онига сингдириш, ўқитиш ва тарғиб қилишнинг шакллари, услублари, во-

силталари юзасидан фикр ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

Қалблардан

Жой олган оҳанглар

Андижонда Ўзбекистон халқ ҳофизининг бетақдор овози, дилрабо тароналари билан қалбларни ром айлаган хонанда Фаттоҳон Мамадалиевнинг «хотирасига бағишланган «Водий булбуллари» деб номланган анъанавий кўшк фестивали бўлиб ўтди. Мунтоз кўшиклар байрамида санъат шайдолиси Ўзбекистон халқ ҳофизлари Улмас Саиджонов, Маҳмуджон Йўлдошев, Фаттоҳон Мамадалиевнинг қизи Нодира Мамадалиеваларнинг чиқишларидан баҳраманд бўлдилар.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Айни кунларда умумтаълим мактаблари битирувчи синф ўқувчилари давлат имтиҳонларига тайёрлик куришапти.

Очиқ эшиклар кўни

Албатта, уларнинг барчаси келажакда яхши касб-хўнар эгаллаб, юртимизга хизмат қилишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйишган. Тошкент шаҳридаги Қурилиш ва миллий хўнарандчилик касб-хўнар коллежида очик эшиклар кўни ўтказилди. Тадбирга Собир Раҳимов туманидаги барча умумтаълим мактабларидан ўқувчилар, ота-оналар ташриф буюришди. Коллеж раҳбарлари уларга бу ерда яратилган шарт-шароитлар ҳақида

гапириб бердилар. Шунингдек, ота-оналар ва ўқувчилар ўқув лабораториялари, устaxonлар, спорт заллари, тўғрақ машғулотлари ўтадиган хоналар билан яқиндан танишилди. Уша кўни коллеж ўқувчилари томонидан тайёрланган зарғарлик, наққошлик, ёғоч уймақорлиги, дурадгорлик ҳамда тикувчилик йўналишларидаги иходий ишларнинг кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Юлдуз РИЗАЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Қосимжоновнинг яна бир ғалабаси

Италиянинг Турин шаҳрида шахмат бўйича 37-Бутунжаҳон Олимпиадасида бешинчи тур ўйинлари якунланди.

Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси ушбу турда голландиялик шахматчиларга қарши дونا суришди. Иктидорли гроссмейстеримиз Рустам Қосимжонов ушбу турда ҳам муваффақиятга эришди. Бу сафар у Иван Соколовнинг мағлубиятга учради. Сайдали Йўлдошев Ван Вел Лойк билан, Сергей Қаюмов эса Ван

Ден Дойл Эрик билан дуранг ўйнади. Фақат Темур Гареев Сергей Тивяковга имкониятни бой бериб қўйди. Умумий натижа 2:2. Бешинчи турдан сўнг шахматчиларимиз 14,5 очко билан тўртинчи ўринда боришмоқда. Россия ва Арманистон шахматчилари 15,5 тадан очко жамғаришиб, биринчи ва иккинчи ўринни

банд этиб туришибди. Учинчи ўринни эгаллаб турган Голландия жамоаси ҳисобида 15 очко бор. Аёллар терма жамоамиз бешинчи турда Венесуэла шахматчилари билан дуранг ўйнади (1,5:1,5). Мусобақалар давом этмоқда.

Зиёдулло ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРАТИ 67736-ҲАРБИЙ ҚИСМИ қурилишни тўлалигича (под ключ) қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

№	Иншоот номи	Қурилиш муддати	Бюртмачининг бошланғич нархи (минг сўм)
1.	Когон шаҳрида жойлашган 67736-ҳарбий қисм кириш йўлини мукамал таъмирлаш	3 ой	117357,46

Бюртмачи — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги 67736-ҳарбий қисми. Қурилиш ишлари давлат бюджетни ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: устас сармоясига микдори, танлов савдолари предметининг камида 20 физик микдорда айланма маблағларга ёки курсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларни мукамал таъмирлаш бўйича ишлаганлик тажриба ва қўникмаларга ҳамда ҳарбий объектларда ишлаш учун лицензияга эга бўлишлари, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга, ўзаро ишончга, шунингдек, етарли ишчи кучи захираларига эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Манзил: Бухоро ш., Навоий шоҳқўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел.: 223-96-29. Факс: 223-97-51.

Оферталар юқоридидаги манзилда соат 10.00дан 17.00гача қабул қилинади.

Ҳужжатлар бир тўлалигининг (комплект) қиймати — 50 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кўни ва соати. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади. Бухоро шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 5-уй, 18-хонада, соат 10.00да.

Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali

Куйидагиларни маълум қилади:  
«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг 2006 йил 23 май 97-сонидида чоп этилган, тугатилаётган «Техтаъминот» очик акционерлик жамиятининг объектлари бўйича 2006 йил 29 майда белгиланган очик аукцион савдоси 2006 йил 22 июнь кўни соат 12.00 да ўтказилади.  
«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг 2006 йил 24 май 98-сонидида чоп этилган, тугатилаётган «Охангориинипласт» очик акционерлик жамиятига қарашли — майдони 919,8 кв.м. ва 1119,2 кв.м. бўлган иссиқхона бинолари савдолардан олиб ташланади.  
Тел.: 133-28-52, 133-77-18, 133-49-31, факс: 133-43-73. Манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннахр к., 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, боғ соҳиблари, тадбиркорлар диққатига!

Пуркагичлар керакми? Марҳамат!  
«ЎЗҚИШЛОҚМАШХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИДАГИ

«AGRIHIM» ЎЗБЕКИСТОН—ИТАЛИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИДА

Ишлаб чиқарилаётган олти хил — пахтачилик-боғдорчилик учун «VP-1» русумли пуркагиччангитгич, шунингдек, «Кариола-С-100», «ОРПД-12/М», «Аида», «Леонора», «Асуена» пуркагичларига «Эстандарт» агентлигидан сертификатлар берилган. Улардан саккиз йилдан бери муваффақиятли фойдаланилапти.  
Ўзга, сабзавот майдонлари, боғлар, иссиқхоналар ва ҳовли-жойлардаги дарактлар ҳосилини турли зараркунанда ва хашаротлардан ишончли химоя қилмоқчи бўлсангиз, шу қўлай, самарали пуркагичлардан фойдаланинг. Чорвачилик фермалари, паррандчилик фабрикаларининг дезинфекциялашда, жумладан, парранда гриппига қарши курашишда ҳам пуркагичлар яхши самара беради. Тадбиркорлар бу пуркагичлардан фойдаланиб, фермер ва боғ соҳибларига агрокимё хизмати кўрсатишса, бу катта наф келтиради.

Пуркагичларни маблағ ўтказиб ёки нақд пулга сотиб олиш мумкин. Қўшма корхонада пуркагичларни тузатиб, таъмирлаб бериш имконияти бор.



Манзил: Тошкент ш., С.Машҳадий к., 210-уй. Мўлжал: Шапман вилояти заводи. Автобуслар: 16, 21, 30. Тел.: (998-71) 169-49-33, тел./факс: 169-49-44, 169-35-46. E-mail: agrihim@mail.st.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

технология ускуналарини харид қилиш ва савдони молиялаш учун Малайзия Экспорт-импорт банкининг кредит йўналиши доирасида республика корхона ва ташкилотларини хорижий валютада молиялаштиради.

- Минимал сумма — 100 минг АҚШ доллари.
- Малайзияда ишлаб чиқарилган товарлар/ускуналарнинг импорт контрактдаги улуши — камида 30%.
- Кредит муддати:
  - хомашё, материаллар ва бошқа товарлар харидлари бўйича савдони молиялаштириш учун — 1,5 йилгача, шу жумладан 6 ойлик имтиёзли давр;
  - инвестиция лойиҳаларини ва ускуналар харидини молиялаш учун — 5 йилгача, шу жумладан 2 йиллик имтиёзли давр;
  - ўз маблағлари иштироки — лойиҳа қийматининг камида 25%.

Қўшимча маълумот учун қуйидагиларга мурожаат қилинг:  
Лойиҳаларни молиялаш маркази, тел.: 138-56-68, факс: 135-56-10;  
Кредитлаш бош бошқармаси, тел.: 134-16-02, факс: 135-19-20  
ёки Ўзмиллийбанкнинг исталган бўлим/филиали.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

технология ускуналарини харид қилиш ва савдони молиялаш учун Корея Эксимбанкнинг кредит йўналиши доирасида республика корхона ва ташкилотларини хорижий валютада молиялаштиради.

- Кореяда ишлаб чиқарилган товарлар/ускуналарнинг импорт контрактдаги улуши — 100%.
- Кредит муддати — 180 кун.

Қўшимча маълумот учун қуйидагиларга мурожаат қилинг:  
Кредитлаш бош бошқармаси тел.: 134-16-02, факс: 135-19-20  
ёки Ўзмиллийбанкнинг исталган бўлим/филиали.

2006 йил 22 — 25 август

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма компаниясининг очик акциядорлик жамияти мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг экспортга мўлжалланган маҳсулотларининг

«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» анъанавий кўргазмасини ўтказди. Кўргазмада республикамизда фаолият кўрсатаётган мулкчиликнинг турли шаклидаги барча ташкилот ва компанияларни тақлиф этамиз. Кўргазмада қатнашиш шартлари бўйича батафсил маълумот олиш учун қуйидаги сайтга мурожаат қилишингиз мумкин: www.uzexprocentre.uz

ДАВЛАТ ТЕСТ-МАРКАЗИГА

дипломларини нострификациялаш учун топширган фуқаролар диққатига!

Давлат тест марказида эксперт комиссияларининг йиғилиши ва имтиҳонлар 2006 йил сентябрь, октябрь ойларининг қуйидаги кунларида ўтказилади:

Т/р	Таълим йўналишлари	Ўтказиладиган вақти
1.	Хўқуқшунослик	22 сентябрь, соат 9.00
2.	Иқтисодиёт	29 сентябрь, соат 9.00
3.	Педагогика	5-6 октябрь, соат 9.00
4.	Тиббиёт	13 октябрь, соат 9.00
5.	Мухандислик	20 октябрь, соат 9.00

Қатнашчиларни рўйхатга олиш — Давлат тест марказида (Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 12-уй) соат 8.30дан 9.00гача. Маълумот учун телефон: 134-46-89.

Ушбу жойда Сизнинг рекламangиз бўлиши мумкин эди! «Халқ сўзи»даги Реклама — бизнеснингизни қўлаб-қувватлайди!

Бухоро вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жамоаси қўмитанинг ер инспекцияси бошлиғи Қодир Топирович ШАРОПОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг она аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент архитектура-қурилиш институти жамоаси институтининг собиқ доценти Аъзам Қосимович БОҚИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг она аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўлаб-қувватлаш давлат қўмитаси жамоаси қўмитанинг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Акмал Давлатияевга падари бузруквори АШУРМАМАТ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.



# Устозлар изидан ЭРГАШИБ...

Яқинда хориз журналларидан бирида чоп этилган янгилик эътиборини тортди. Унда айтилишича, олимлар юрак хасталиklarини даволашнинг антика йўлини топди. Маъмур муолажа кўра, ҳар кун икки-уч соат анҳор ёки дарё бўйида, умуман, сув шилдираши эшитилмаган жойда ўтириш юрак безовталикларини аригаркан. Сув овози юракка кони фойда экан. Бу энди, бир гап, ишонил ҳам, ишонмаслик ҳам, ҳар кимнинг инон-ихтиёрида. Айтмоқчи бўлганимиз, яхши кўшиқ, дилбар хонининг ҳам инсон руҳиятига таъсири бекиёс. Асл ашула не-не дардлар, дардмандлар қалбига ором бермаган дейсиз?!

Ёш хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Огабек Собиров санъат майдонига ўз истеъдоди ила ажралиб туради. Унинг хонишлари дилга яқин, онгу шуурга хуш ёқади. Шу боис ҳар бир айтган кўшиғи кўнгилларга бе-сўроқ кириб бораверади.

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг шундай мисралари бор:

...Мунавар бир кўшмен, дур тўла тўққили уммонмен, Замин теграмадур, дилда яшар осмон, билмассан.

Дарҳақиқат, шундай. Зеро, кўшиқ — тарбия. Унда айтилган сўз дилдан чиққан бўлса, бу тарбиянинг таъсирчанлигини оширади. Тарбияланди кўшиқда эса «Мунавар кўш», «Дур тўла уммон», «Асалдек сўз» янглиг охарабо каломлар муҳажас бўлмоғи лозим. Маъмуржон Узоқов, Жўраҳон Султон, Комилжон Отаниёзов, Таваккал Кодиров сингари етук зотлар асос солган ўзбек кўшиқчи-

лик мактабида ўзига хос тарзда ижод қилаётган Огабек ҳам ана шу ҳақиқатни яхши англаган ҳолда ижод қилиб келмоқда. Аҳамиятли томони шундаки, у ҳар доим бачканаликдан йироқ юришга интилади. Хонишларида инсонийлик, муҳаббат, тинчлик тараннум этилади.


Дарвоқе, тинчликни мадҳ этиш хусусида. Бу куррай замин, мушфиқ она ер асплар давомида не-не кўргилликларни кўрмади, қанчан-қанча муҳаббат вақеаларга гувоҳ бўлмади, дейсиз. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам эзгулик галаба қозона-верди, нур зулматни маҳв этверди. Ва ҳар гал ТИНЧЛИК деган бебаҳо нёмат ҳар недан азиз эканлиги исботланверди. Аммо бу нёмат ҳар ерда ҳам барқарор эмас. Қай-сидир манзилларда табиат тажовузи авж

олапти. Одам боласи муқаррар ҳалокат қаршисида ожиз турган маконлар ҳам кўп. Буни сизу биз ҳар кун, ҳар лаҳзада кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Ва ана шундай пайтларда мамлакатимизнинг тинчлиги, озодлиги ҳеч нарсага менгзалмаслиги амин бўлмайди. Шўр деймиз, кўз тегмасин, деймиз.

— Сиз билан бизнинг уйимизда бамайилхотир ўтирмоғимиз, аввало, тинчлик туфайлидир, — дея фикримизга қўшилади Огабек Собиров. — Фарзандларимизнинг гулгун чехраси, яқинларимизнинг хуш-хандонлиги хотиржамликдан экан, демак, унинг қадрига етмоқ, нафақат қадрига етмоқ, шу билан бирга уни мадҳ этмоқ ҳам муҳим юмушимизга айланмоғи лозим. Мен ҳам ана шундай юрларни тарғиб этиш йўлида бир неча кўшиқларни тайёрлабман. Иншооллох, уларни яқин кунларда мухлислар

хўкмига ҳавола этаман. Кези келганда бир нарсани таъкидламоқ жоиз. У ҳам бўлса, мумтоз адабиёт, улардаги маъно-маъмур, мантлик ҳақида.

— Биз кўп ҳолларда Навоий, Ғолибий, Бобур, Бедил, Машраб ва шундай улуг зотларнинг газалларидаги маънони тушунамасликдан нолиймиз, — дейди хонанда. — Тили оғир, деймиз. Лекин биз минг марта ўқиган газал кўйга солиниб,



# CURUNG



ижро этилганда тан бермасликдан ўзга илож йўқ. Чунки газал кўйга солинса, тингловчиға теа етиб борар ва таъсир қилар экан. Мумтоз кўшиқлар маҳорат билан ижро этилганда ҳеч бир сўз маъмур қолмайди. Ҳаммаси тушунилади. Демак, устозларимиз, хусусан, Комилжон Отаниёзовдек забардаст санъаткорлар ижро этган ашулалар биздек ёш ижрочилар учун ҳар доим мактаб вазифасини ўтайди. Тўри, Комилжон устоздек бўлиш осон эмас, аммо бу ҳаётда чўққига интилиб яшаш керак.

Шундай. Ёш хонандани биз маъмур фикрларига мувофиқ бир қатор мумтоз ашулаларнинг моҳир ижроси сифатида биламиз. Гарчи улар устоз санъаткорлар томонидан нуносиб тарзда қуйланган бўлса-да, Огабек ҳам тингловчининг дилини забт этишга ҳаракат қилади. Бу эса ҳар бир бўлбулинг ўз навоси бор, деган гапга яна бир ҳаётий мисолдир.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

— Ишингиз менга маъқул.

Дарҳақиқат, котибанинг пардозни меъёридан ошириб юборишини эътиборга олмаганда, хушсурадлиги, чой олиб кирганда чойнак жўмрагининг ичига тоза-лаганидан чиқарган хулосам, қилча бўлса-да, унга эътироз билдирилмасдим.

— Вазирликдан ходимларни қисқартириш ҳақида буйруқ келган, — котиба стол устига ҳозиргина қўйган қоғозларга ишора қилди. — Мени қисқартиришадими, деб хавотирландим, шунинг учун...

У сўзини тугатмай оёқнинг раҳмини уйғотган хўмсаюз оху каби чиройли қўзларни пастга қадади. Қоғозлар ичидан буйруқни олдим. Унда идора ходимларини ўн фоизга қисқартириш ҳақида топшириқ ёзилган. Буйруққа: «Режа-иктисод ва кадрлар бўлиmlарига, қасаба уюшма кўмитасига,

таклиф киритиш учун», деб ёздим-да, имзо қўйиб котибага узатдим.

— Хотиржам бўлинг, жойингиз қисқармайди. Буйруқни тегшли ходимларга етказинг, тушдан кейин тақлиф билан киришин.

Котиба қалин сурма тортган кўзлари билан миннатдор боқаркан, нозик оҳангда «рахмат!», дея эшикка

ларни безовта қилаётган бу хабар бизнинг идорадан чиққанини исботлаб турарди.

Тушгача барча ходимларимнинг ошна-оғайнлилари катта-катта лавозимларда ишлаши менга маъмур бўлди. Уйлаб қарасам, кўнгирак қилганларнинг бирортасига ҳам йўқ демабман. Оғир аҳволда қолган

дир, котиба билан менсимай мулоқотда бўлар, жамоада хотин-қизлар озлиги учун унинг бу муомаласини идорадагилар уларнинг ўз-ро рақобатига йўйишарди.

— Котибалик қисқаради, котиба эмас, — гапга қўшилди кал бошини ҳар сонияда қашши билан жимга тегатган режа-иктисод бўлиmlнинг бошлиғи.

— Бу қисқариш биринчи марта бўлаётгани йўқ, ҳар йилги тадбир, — боядан буюн бирор сўз демай хотиржам ўтирган қасаба уюшма кўмитасининг раиси менга далда берди. — Ҳар йили утадан ходимни қисқартирганимизда ҳозир биз бир ерда ўтирмаган бўлардик.

Унинг қикриллаб қулиши режа-иктисод ва кадрлар

бўлиmlари бошлиқларининг илжайиши билан қувватланган бўлса-да, менинг хали ҳам безовталикдан қутулиб улгурмаган қўйғам уларни аввалги ҳолатига қайтаришга мажбур эдим.

— Бошқа тақлиф йўқми? — дедим қўлимда тугиб турган буйруқ ва хатга имзо чекишда иккиланиб.

— Йўқ. Бу сўзни учаласи айтдимми ёки биттаси, англомладим. Стол тортмасидан асабини тинчлатирадиган дори олиб оғзимга солдим. — Иш юритувчиға айтайми, чой берсин.

— Керак эмас, — дедим жойидан қўзғалган кадрлар бўлиml бошлиғини тўхта-тиб. Сўнг унинг бу гапни кино билан айтмаганига ишонч ҳосил қилиб, қоғозларга кўл қўйдим.

Хурийд НУРУЛЛАЕВ.

## Дилдан тилга кўчган гаплар

Ким азар дўстлар ила якдил бўлур,  
Барча мақсуди аниқ ҳосил бўлур.  
Фариддин АТТОР

Ҳаммага дўст бўлган одам ҳеч кимга дўст эмас.  
АРАСТУ

Кизи ўзганинг бахтидан бахт топса, у ҳақиқий яшаган ҳисобланади.  
ГЁТЕ

Дунёдаги энг сергап одам бекорчилардир.  
ПАВЛЕНКО

Ўзгалар сирини ошкор этиш — сотқиллик, ўз сирини ошкор этиш аҳмоқликдир.  
ВАЛТЕР

Келдим, кўрдим, ғалаба қилдим.  
Юлий ЦЕЗАР

Тараққийет тасодиф эмас, заруратдир.  
СПЕНСЕР

Кўпгина буюқ ҳақиқатлар аввалига масқараланган.  
Бернорд ШОУ

Вақти келиб фан ҳаёдан ўзиб кетади.  
Жюль ВЕРН

Инсон ўзига-ўзи буйсунишни ва ўз қарорларига итоат қилишни ўрганмоғи лозим.  
ЦИЦЕРОН

## Ходимлар сонини қисқартириш



йўналди. Келтирилган хатларни кўриб улгурмай телефон жиринглади. Ҳокимиятдан бизнинг соҳага бикритилган му-тахассис экан. Салом-алиқдан сўнг ишларинг қандай бораётгани билан қизиқди. Гап орасида идорамизнинг молия бўлиmlида жиғини иш-лашини, унга устозлик қилишини айтди. Эҳехи тез бола экан, уялтириб қўймасмиш.

— Сизларда ҳам қисқариш экан-да, — деди у гапнинг охирида, — ўзникиларни эҳтиёт қилиш керак. Марҳумотинг бунчалик тез тарқалиши мени хайрон қолдираётгани. Ҳокимиятга ким етказди экан? Еки уларга ҳам бу ҳақда юқоридан кўрсатма берилганми?

Набатдади кўнгирак маъмурий идорадан бўлиб, таъминот бўлиmlидаги ходимнинг ишда қилишини сўраб қилинган буйруқ оҳангидеги илтимос менга казо-казо

— Қандай? Тушунтириб гапиринг.

У қўлида штатлар рўйхати ёзилган қоғозни менга узатди. Унда котиба ва икита мутахассис қисқаргани кўрсатилган.

— Ҳўш, — дедим ҳеч нарсага тушунмай. — Котибалик қисқаради, лекин иш юритувчи деган ходим штатини киритамиз. У ўтган йили қисқарганди. Худди шундай, молия бўлиmlдан бир штатни қисқартириб, уни ҳисоб-китоб бўлиmlига...

— Тушунарли, тушунарли. Лекин учта ходим қисқартирилиши керак.

— Учта ходим қисқарапти-ку, — гапга аралашди кадрлар бўлиmlининг бошлиғи. — Мана буйруқ.

У узатган буйруқ билан топшириқнинг бажарилгани ҳақидаги вазирликка тайёрланган хатни олиб, ўйланиб қолдим. Бу кўзбўямачиликдан бошқа нарса эмасди.



Раҳмонбек ИСЛОМОВ олган суратлар.

## Бир қайнову ичида ...

«Сен бир кундан ортиқ яшмайсан».

(Меҳмонхона ходимасининг меҳмонга эслатмаси)

«Ферма мудирни Бургутали: «Мен кўй-кўзиларни бошимга кўтараман» деб, бошидаги қоракўл телпагини кўрсатди».

(Ферма мудирининг гапи)

«Кийишганимиз шифонасида даволанаётган бахтиёр беморлар қасаллик гаштини сурмоқдалар».

(Хаваскор муҳбир хабаридан)

Ҳажвчи-рассом Маҳмуд Эшонқулов ижодига мансуб карикатураларни томоша қила туриб беихтиёр юзимизга табассум югурди. Яқинда Сербия-Черногория давлатининг Крушевак шаҳрида ўтказилган карикатурачи рассомлар-

нинг халқаро танловида ҳамюртимиз Маҳмуд Эшонқулов ҳам қатнашиб бош соврин — «Олтин дубулга» ва 1000 евро пул мукофотиға сазовор бўлди. Шу муносабат билан Маҳмуд ақани сўхбатга тортдик.


## Жаҳонгашта РАССОМ

— Бундай нуфузли кўрик-танловда голиб бўлиш ҳақида ўйлаганимизгиз? — Тўғриси айтсам, йўқ. Аммо, бу йигирма йиллик орзум эди. Болалиқдан расм чизишга қизиқардим. Қоғоз-қалам тугаб қолса, кўмир, у ҳам бўлмаганда бирорта мих билан сурат чизардим. «Ижод намуна»ларини негадир деворларга чизиши хуш кўрардим. Айниқса, менга мактабимизнинг деворлари жуда маъқул келарди: силлиқ, оппоқ эди-да! Уқитувчиларимдан, ота-онамдан, акаларимдан бу қилиғим учун қанча дашном эшитганларим ҳеч эсимдан чқмайди. Шу қизиқиш билан Ташкент педагогика институти бадий графика факультетига ўқишга келдим. Уни тамомлагач, мактабда расм ва чизмачилиқдан

дарс бердим. Кейин савдо соҳасида ҳам анча ишлаб кўрдим. Аммо буларнинг ҳеч биридан кўнгилим тўлмас, болалиқда теккан «қасал» менга тинчлик бермасди. Битта-иккита расм чизиб, республика газета-журналларига жўнатиб, сал таскин толардим. 1996 йилда «Мушум» журна-лига ишга тақлиф қилишди. Ташкентга қараб учдим, десам бўлаверди. Бошида сал қийналдим, аммо ижодкорлар сафига келиб қўшилганимдан хурсанд эдим. Бор кучимни, файратимни атрофимдаги рассомлардан ортда қолмаслик

учун, ижодга сарфладим. Дунё микёсида ўтказилган танловларда қатнашишга ҳаракат қиламан. Колумбия, Польша, Сурия, Жанубий Корея, Туркия, Рос-

сия каби дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатларида ўтказилган турли кўрғазма ва танловларда қатнашиб, мукофотли ўринларни кўлга киритдим. Айниқса, 2002-2006 йиллар менга омадли келди. Бу йилларда халқаро кўрик-танловларнинг 20 дан ортиқ турли даражадаги мукофотларига сазовор бўлдим. Жумладан, Суриянинг Дамашк, Озарбойжоннинг Боку, Хитойнинг Пекин, Россиянинг Калининград, Словакиянинг Ванска-Стиавница, Жанубий Кореянинг Сеул шаҳарларида ўтказилган халқаро танловларда бронза, қумуш медалларни кўлга киритдим. Япониянинг Токио шаҳрида ўтказилган «The Taiko-No-Kan» номли танловда эса شوҳу-паннинг биринчи поғонаси насиб этди. Хитойнинг Нанжинг шаҳрида



эса, «GOGLM» номли кўрик-танловнинг бош мукофоти — «Олтин медал»ни кўлга киритдим ва 2003 йилда Хитойда бўлиб ўтган «GOGLM» халқаро карикатурачилар танловида хайъат аъзоси бўлдим.

— Энди эса, яна бир нуфузли халқаро танловнинг совринини кўлга киритдингиз.

— Ҳеч бир мукофот осмондан тушмайди. Унга машаққат билан эришилади. Бир нарса менга қувват беради: Дунёда Ўзбекистон деган юрт борлигини юздан ортиқ мамлакат эътироф этди. Ва айтиш мумкинки, ўзбек ўғлонлари, керак бўлганда, ҳеч кимдан кам бўлмаган юрти, халқ борлигини жаҳонга тан олдирамқда. Бу нарса мени барча қийинчиликларни енгишга



ва янги-янги марралар сари интилишга ундайди.

— Келгуси режаларингиз ҳақида ҳам ўртоқлашсангиз.

— Режаларим қатта. Уйлаб халқаро танловларга суратлар жўнатишга. Улардан ҳам қувончи хабарлар келиб қолса, ажаб эмас. Янги-янги асарлар устида ҳам иш бошлаганман. Ўзбекистоннинг дунё майдонларида танилишида ўз ижодим билан, озгина бўлса-да, ҳисса қўша олсам дейман.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ сўхбатлашди.



Драматург Шукруллонинг ўзбек миллий академик театрида сахналаштирилган пьесаси шундай деб аталади. Спектаклда ўтган асрнинг тоталитар даври воқеалари акс этган. Ролларни театрининг таъкид санъаткорлари Теша Муминов, Малика Иброҳимова, Фатхулла Маъсудов, Фарҳод Абдуллаев, Ҳожажбар Комилдов, ёш актёрлардан Меҳриддин Раҳматов, Лола Элтосева ижро этишган.



Раҳмонбек ИСЛОМОВ олган суратлар.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.  
Буюртма Г — 757. 28740 нухада босилди,  
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва мунтақапар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.  
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.  
Тижорат материал

МАНЗИЛИМИЗ:  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Оршов.  
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.  
Навбатчи — Ш. Ортиқов.  
Мусаҳҳих — Ш. Машраббеов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5